

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Нишон тумани хокимлиги**



22 ноябр 2022й

**БУЮРТМАЧИ:**

## **«НИШОН ТУМАНИ ХОКИМЛИГИ»**

Нишон туманда “Самарқанд” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига қулай шарт-шароит яратиш (ҳожатхона қуриш) учун қурилиш материаллари сотиб олиш.

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Нишон туман -2022**

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

### **• Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Нишон туман ҳокимлигига “Самарқанд” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига қулай шарт-шароит яратиш (хожатхона қуриш) учун қурилиш материаллари сотиб олиш бўйича махсулотлар билан жихозланган бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

##### **1.2. Танловнинг охириги қиймати**

1. Цмент 5,0 тонна\*1000000=5000000 сўм
2. Блок ғишт 3700 дона \*2000=7400000 сўм
3. Шифер 114\*175, 30 дона\*50000=1500000 сўм
- 4,Туника 34 мтер \*30882=1049988 сўм
5. Стрпела 0,14\*0,04 6 метрлик 8 дона \*125000=1000000 сўм
6. Река 0,05\*0.05 80 метр\*5000=400000 сўм
- 7.Эшик 1.90\*0.80 2 дона\*1000000=2000000 сўм
- 8.Мих(шуруп) 5 кг\*30000=150000 сўм

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “НИШОН ТУМАН ХОКИМЛИГИ” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 180000, Ўзбекистон Республикаси, Кашкадарё вилояти, Нишон тумани Янги Нишон шаҳри

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Нишон тумани хомияти” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Сифатли махсулот етказиб бериш ва уз вақтида етказиб бериш тугрисида кафолат хат;

-Махсулотлар мавжудлиги тугрисида юк хати;

-Ташкилотнинг Давлат солиқ инспекциясидан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома;

-Хизмат курсатувчи банкдан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома;

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.